

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАМУРАТОВА РАМИЗА АДІЛМУРАТОВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ЛЕКСИК-  
ФРАЗЕОЛОГИК ЛАКУНАЛАР ТАДҚИҚИ**  
**(чоғиштирма аспект)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Жумамуратова Рамиза Адилмуратовна**

Қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик-фразеологик лақуналар  
тадкиқи (қоғиниғрма аспект) ..... 3

**Жумамуратова Рамиза Адилмуратовна**

Анализ лексико-фразеологических лакун в каракалпакском и  
инглийском языках (сопоставительный аспект)  
..... 20

**Jumamuratova Ramiza Adilmuratovna**

Analysis of phraseological lacunae in the Karakalpak and English  
languages (contrastive aspect)  
..... 37

**Эълоп қилмиш ан шилар руйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 41

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ЖУМАМУРАТОВА РАМИЗА АДІЛМУРАТОВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ЛЕКСИК-  
ФРАЗЕОЛОГИК ЛАКУНАЛАР ТАДҚИҚИ**  
**(чоғиштирама аспект)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирама тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil620** рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абдимурод Ўшонкулович  
филология фанлари доктори, профессор

Рясмий оппонентлар:

Пилуванова Халифа Дарьябаевна  
филология фанлари доктори, профессор

Қудрийева Гулмира Курбанбаевна  
филология фанлари номзоди, доцент

Етиқчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 28 сентябрь кунги соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч. Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 62 рақами билан руйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч. Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» сентябрь кuni тарқатилди.  
(2021 йил «15» сентябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



М.С. Қудайбергенов

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

Дж.Н. Сағидуллаева

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н.,  
доцент

А.И. Альниязов

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол. ф. д., катта илмий ходим

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида халқларнинг маданияти, тарихи, урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари ва миллий кадриятлари билан яқиндан танишиш ҳамда турли халқлар маданиятларидаги умумий ва фаркланувчи ҳолатларни ёритиш, жумладан, хорижий тиллардан қорақалпоқ тилига ва аксинча, қорақалпоқ тилидан хорижий тилларга таржима қилинган бадиий, илмий ва публицистик асарларни таҳлил қилиш ҳамда улар орқали жаҳон халқларининг умуминсоний, маънавий-маданий кадриятлари ўртасидаги уйғунлик ва фарқларни ҳар бир тилнинг миллий-маданий хусусиятларига доир киёслаш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё тилшунослигида тил инсон ва унинг тафаккури, дунёқараши билан узвий алоқада ўрганилаётгани боис, тил бирликларининг миллий-маданий семантикасини таҳлил қилиш жараёнида халқнинг ривожланиш тарихи, муайян тил гуруҳининг вакилларига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қарашлар ҳақида маълумот оламиз. Бу эса ҳар қандай инсон онгида миллий тафаккур, дунёқараш ва миллий менталитет манзарасининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун эса ҳар бир тил лексик ва фразеологик бирликларининг лисоний хусусиятларини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга бағишланган тадқиқотларни кўпайтириш заруратга айланмоқда. Ана шу каби ўта муҳим масалаларни атрофлича илмий асосда ўрганиш мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кечаётган ислохотлар замонавий лингвистика соҳасида тил ва маданиятлароро мулоқот воситасининг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этмоқда. «... Илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларини ташкил этиш»<sup>1</sup> масалаларининг устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасида илмий изланишлар қўлами ҳамда кўрсаткичларини янада кўтаришга кенг имкониятлар яратди. Хорижий тилларни ўрганишга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиши тилшунослик соҳасида кенг қўламли ва янгича ёндашув асосидаги тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Халқ сўзи. – Т., 2017 йил, 8 февраль. - №28 (6722).

августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар туғрисида»ги қарорларида, шунингдек ушбу фаолиятнинг турларига тегишли бўлган бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга маълум ҳисса қўшади ва муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатин ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг урганилганлик даражаси.** Лақуналар типологияси ва уларни бартараф қилиш усуллари Г.В.Быкова, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров, И.Ю.Марковина, З.Д.Попова, Ю.А.Сорокин, Ю.Ю.Степанов, И.А.Стернин, С.Г.Тер-Минасова<sup>2</sup> каби рус олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг ишларида ҳозирги тилшуносликнинг энг мураккаб фундаментал муаммоларидан бири – тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги янгича идрок қилинади ҳамда тушунча ва унинг тилда ифодаланиш шакли ўртасида қатъий алоқа йўқ, - деб хулоса чиқарилади. Тушунча ҳар доим вербаллашади, у оламнинг миллий маданий манзарасида имплицит тарзда ҳам мавжуд бўлиши мумкин, чунки «оламини миллий тушунчалар нуктаи назардан ҳис этишда оламда мавжуд бўлган барча нарса ва ҳодисаларни тил тасвирлашга қодир»<sup>3</sup>. Шу сабабли, миллий лингвомаданий тизимларнинг тафовутларини ва бундай тафовутларни бартараф қилишнинг усулларини ўрганиш лақунарлик назариясида устувор йўналиш ҳисобланади.

Тилларнинг лексик, фразеологик ва бошқа тизимларида ҳамда турли халқлар маданиятларидаги миллий ўзига хос, яъни бошқа тилларга мос келмайдиган, ажралиб турувчи элементлар кейинги йилларда турли жиҳатлардан Ж.П.Вине ва Ж.Дарбельне, В.Л.Муравьев, К.Хейл, Ю.С.Степанов, И.А.Стернин, Г.Д.Гачев, В.Дорошевский, С.Г.Тер-Минасова ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар томонидан баён қилинган.

<sup>2</sup> Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003; Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – М.: Русский язык, 1990; Марковина И.Ю. Влияние лингвистических и экстралингвистических факторов на понимание текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1982; Сорокин Ю.А. Тезисы лакуны и оптимизация межкультурного общения // Семантика и прагматика текста. – Барнаул, 1998; Степанов Ю.С. Французская стилистика. – М.: Высшая школа, 1997; Стернин И.А. Лексическая лакунарность и понятийная безэквивалентность. – Воронеж, 1997; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. Учебное пособие. – М.: Слово/Slovo, 2000.

<sup>3</sup> Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. Учебное пособие. – М.: Слово/Slovo, 2000. – С. 47-49.

Ўзбек олимлари томонидан лакуналарни таснифлаш муаммоларини, уларнинг ижтимоий-маданий ва миллий-маданий ўзига хос хусусиятларини, тиллараро масалаларини ёритувчи тадқиқотлар олиб борилаёпти. Ўзбек тилшунослигида бундай илмий назариялар доирасида Д.У.Хошимова<sup>4</sup>, А.Э.Маматов<sup>5</sup>, қорақалпоқ тилшунослигида эса умумий нуқтаи-назардан Ш.Абдиназимов<sup>6</sup>, Г.Қдырбаева<sup>7</sup> ва бошқалар амалга ошираётган лакуналарнинг тилшунослиқдаги назарий асослари, кадриятли ориентацияларнинг, тилнинг, дискурснинг ва муомаланинг маданиятлараро ўлчови, маданиятлараро коммуникация назариялари, талабаларнинг маданиятлараро компетенциясини шакллантириш каби илмий ишлари бу ҳақида гувоҳлик беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Лингвистика: чет тилларини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, таржима назарияси ва амалиёти» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лакунарлик ҳодисасининг тилшунослиқда ва таржимашунослиқда ўрнини ва ролини аниқлаш ҳамда лакуналарни қорақалпоқ ва инглиз тилларида қиёсий-чоғиштирма планда очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«лакуналар» ва «муқобилсиз бирлик» тушунчаларини фарқлаш, лакунарликнинг қорақалпоқ ва инглиз тиллари тизимидаги лисоний хусусиятларини аниқлаш;

ижтимоий-маданий лакуналарнинг таснифларини бериш ва уларни тизимлаштириш;

ҳар хил ижтимоий-маданий лакуналарни аниқлаш ҳамда қайд қилиш усулларини ўрганиш;

қорақалпоқ ва инглиз тиллари лакуналарининг чоғиштирма тадқиқотини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** қорақалпоқ ҳамда инглиз тилларидаги лексик ва фразеологик лакуналар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги ижтимоий-маданий лакуналар, яъни тилдаги «бушлик»лар, тил тизимидаги очик жойлар, тулдирилмаган жойлар кўринишидаги потенциал тил тизимидир.

<sup>4</sup> Хошимова Д.У. Лакуны как совокупность следя или словосочетаний, маркированных наличием национально-культурного содержательного компонента // Вопросы филологических наук. – Т.: 2004. – № 6. – С. 96-98.

<sup>5</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: Фан, 1991.

<sup>6</sup> Абдиназимов Ш.Н., Толябаева Х. Лингвокультурология. – Некис: Қарақалпақстан, 2020.

<sup>7</sup> Қдырбаева Г.К. Лингвокультурологические и лингвокогнитивные особенности единиц концептосферы «тап» – «адам» (на примере английского и каракалпакского языков): Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Т., 2017. – 45 с.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда чоғиштирма-киёсий таҳлил, лингвокультурологик таҳлил, кросс-маданий таҳлил ва ялпи танлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ ва инглиз тилларида лексик ва фразеологик лақуналарга ҳос лигвамаданият соҳиблари томонидан тўлиқ тушунилмайдиган миллий-маданий, баҳолаш семантикали ва функционал-стилистик хусусиятлари очиб берилган;

лексик ва фразеологик лақуналарнинг чоғиштирилаётган тилларга оид моддий ва маданий этнографик, эмоционал ҳолатни ёки сўзловчининг муносабатини ифодаловчи психологик, имо-ишора каби новербал ва сезувчанлик кинесик хусусиятлари очиб берилган;

қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги фразеологик бирликларга ҳос баҳолаш семантикали росттўғрилик, тўғри сўзлик, дангаллик, кунгли очиклик ва самимийлик каби фразео-семантик мавжуд бўлган лақунарлик ҳодисаси исботланган;

турли тил тизимига мансуб бўлган икки тил доирасида лексик ва фразеологик лақуналарнинг севги, бахт, қувонч, хурсандчилик, кўрқинч, ҳаяжон, нафрат каби эмотив хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ ва инглиз тилларида мавжуд лексик ва фразеологик лақуналарнинг лингвистик талқини модели ишлаб чиқилган;

қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги миллий-маданий лақуналарнинг лисоний мезонлари ҳамда уларнинг турлари аниқланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги лексик ва фразеологик лақуналарнинг миллий-маданий компонентлари ажратилиб, уларнинг қорақалпоқ ва инглиз халқлари маданиятидаги тутган ўрни ва аҳамияти ўрганилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ҳозирги тилшуносликда ишлатиладиган ёндашув ва методларни қўллаш, тадқиқотнинг бу соҳасидаги олдинги назарий қоидаларни танқидий баҳолаш, ҳозирги тилшунослиқнинг дастлабки энг муҳим илмий-назарий қоидалари, таҳлил қилинган фактологик материалларнинг ҳажмдорлиги, тадқиқот натижаларининг ишнинг назарий қоидаларига мос келиши ва амалиётга тадбиқ этилиши билан, шунингдек ОАК тасарруфидаги журналларда чоп этилган мақолалар билан таъминланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан, қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик ҳамда фразеологик лақунарлик ҳодисасини талқин қилиш орқали лексикология ва фразеология соҳаларининг ривожига муайян даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хулосалар ва илмий-тадқиқот материалларидан университетларнинг қорақалпоқ ва инглиз тиллари лексикологияси, таржима назарияси, лингвомаданиятшунослик, маданиятлараро коммуникация назарияси фанлари бўйича маъруза ва семинарлар, махсус курсларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда, диссертациялар,



монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда, махсус лугатларни тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги лексик-фразеологик лақуналар тадқиқини чоғиштирма аспектда ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

қорақалпоқ ва инглиз тилларида лексик ва фразеологик лақуналарга хос миллий-маданий, семантик ва стилистик хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот ишини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 26-апрелдаги 17.01/162-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик-фразеологик лақуналарни лингвомаданий аспектда тадқиқ қилишда манба сифатида асос бўлган;

қорақалпоқ ва инглиз халқлари оғзаки ижоди, асосан, қорақалпоқ ва инглиз фолклорида лексик лақуналарнинг тасвирланиши бўйича илмий-амалий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида кўргазма ва экскурс жараёнларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 5-апрелдаги 2-03/697-сон маълумотномаси). Натижада, музейга ташриф буюрувчи меҳмонларга миллий колоритни, қорақалпоқ тилидаги лексик-фразеологик лақуналарни ижтимоий-маданий ҳаёт тарзида қўллашни, лақуналик феноменининг қорақалпоқ маданиятида ва таржимашуносликда муҳим аҳамият касб этувчи сифатларини кўрсатишда самарали фойдаланилган;

қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик-фразеологик лақуналарни умумлаштириш асносида олинган назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Хабар» ахборот тахлилий бош муҳарририяти томонидан тайёрланадиган информацион теледастурида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 7 сентябрдаги 01-02/169-сон маълумотномаси). Натижада, телекўрсатувларда тайёрланган материаллар нисбатан такомиллаштирилган, илмий-оммабоп кўрсатувларнинг мазмун-моҳияти янги тушунча ва қарашлар билан бойитилган;

қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик-фразеологик лақуналар бўйича олиб борилган тадқиқот материалларидан «Инглис тили теориялық фонетикасы» номли ўқув-методик қўлланмаси, шунингдек «Инглис тили» фанида лугатлардан фойдаланишни ўргатишда ижобий натижаларга эришилган (Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-01/09-3233-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабларида инглиз тилини янгича замонавий нуқтаи-назардан ўргатишда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг чет тили компетенциясини юксалтиришда хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзусига оид жами 14 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп қилиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда эълон қилинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лақуналар миллий-маданий ўзига хосликни ифода этиш усули сифатида**» деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унинг биринчи параграфида тилшунос олимларнинг «лакуна» тушунчаси бўйича билдирган илмий-назарий фикрлари полемик тарзда таҳлил қилинган.

Жаҳон тилшунослигида мавжуд лексик, фразеологик ва бошқа тизимлардаги миллий-ўзига хос элементлар, яъни бўшлиқлар, хорижлик ва мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан жуда хилма-хил терминлар ёрдамида таърифланади: лакуналар (Ж.П.Вине ва Ж.Дарбельне<sup>8</sup>, В.Л.Муравьев)<sup>9</sup>, очик жой, лакуна (К.Хейл), антисўзлар, очик жойлар, лакуналар, ёки тилнинг семантик харитасидаги «оқ доғлар» (Ю.С.Степанов), таржима қилинмайдиган мисоллар (В.Г.Чернов), муқобили йўқ сўзлар, лексик ноль, нолли лексема (И.А.Стернин), эквивалентсиз ёки фонга оид лексика (Л.С.Бархударов, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров)<sup>10</sup>, битта тил матнларидаги шу тилнинг соҳиблари томонидан тил тараққиётининг анча кейинги босқичида тушунарли эмас деб идрок қилинаётган жойлар, адекватсиз лексика ва бошқалар. Маълумки, турли миллий маданиятлар барча жиҳатдан бир-бири билан тўлиқ мос келмайди, чунки уларнинг хар

<sup>8</sup> Вине Ж.П., Дарбельне Ж. Технические способы перевода / Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – М., 1978.

<sup>9</sup> Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир, 1975.

<sup>10</sup> Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – М., 1990.

бири ўзига хос миллий ва шунингдек, турли тилларга мансуб тил бирликлардан ташкил топган бўлади.

Структура жиҳатидан лақуналар бир компонентли, икки компонентли ва кўп компонентли эканлиги кузатилди, семантик-стилистик нуқтаи назардан эса улар: *мутлақ лақуналар*, *нисбий лақуналар*, *вектор лақуналар* ва *стилистик лақуналарга* ажратилиб ўрганилди.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи ижтимоий-маданий лақуналар масаласига бағишланган бўлиб, улар: а) тиллар ва маданиятлар ўртасидаги бир-бирига зид, ботиний ва зохирий тарздаги культурологик лақуналар; б) инсон ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ муомала лақуналари, яъни кинесик-новербал лақуналардир.

Қорақалпоқ ва инглиз тилларининг лисоний меъёрида мавжуд бўлмаган тушунчаларни ифодаловчи лақуналарни таржимашуносликда қўллашда ҳар бир таржимондан тил нозиклигини, тилнинг таъминоти ва дидини ҳис қилиш ва ундан оқилона ҳамда маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади.

Бобнинг ана шу қисмида муқобилсиз лексика ва лақуналар масаласига доир турлича фикрлар ҳам ўрганилган бўлиб, бу икки тушунчани бир нарса деб қараш ёки уларни ўзаро фарқлаш ҳақида ҳанузгача ягона ва аниқ бир фикрга келингани йўқ, деган хулосага келинди. Шу сабабли, тадқиқотда бу термин-тушунчаларни ўзаро фарқлаш учун ишмииз доирасида қуйидагича ишчи таърифлар берилди, яъни *муқобилсиз лексика* эса у ёки бу тилнинг бошқа тиллар лексик бирликлари ичида ўзининг на тулиқ, на қисман муқобилига эга бўлмаган тил бирликлари бўлса, *лақуна* эса муайян маданият соҳибларининг тили ва нутқида ўз аксини топган, аммо мулоқот жараёнида бошқа лингвوماданият соҳиблари томонидан тулиқ тушунилмайдиган ёки тушунилиши қийин бўлган ўзига хос миллий-маданий элементлардир.

Муқобилсиз лексика ва лақуналар асосан ҳар бир халқ маданиятида ва кундалик турмушида мавжуд реалиялар асосида вужудга келиши табиий жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда реалия тушунчасига ҳам ўзимизнинг ишчи таърифимизни беришни маъқул топдик. Демак, *реалиялар* – моддий маданиятга оид нарса ёки ҳодисалар, этно-миллий хусусиятлар, урф-одатлар, расм-русмлар, шунингдек тарихий воқеалар ёки жараёнларни ифодалайдиган лексемалар бўлиб, улар одатда бошқа тилларда ўзининг лексик муқобилларига эга бўлмайди.

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ ва инглиз тилларида лексик лақуналарнинг лисоний хусусиятлари**» деб номланган иккинчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, унинг биринчи параграфиди лексик лақуналарнинг миллий-маданий компоненти ўрганилди. Тилшуносликда лақунанинг қуйидаги талқини амалда юради:

1) у ёки бу халқ учун характерли бўлган ва бошқа халқ ҳаётида учрамайдиган предмет, тушунча, ҳодиса;

2) ана шундай предмет, тушунча, ҳодисаларни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари.

Турли тилларда ва маданиятларда лақуналарнинг миллий-маданий компонентини аниқлашда иккита асосий ёндашув мавжуд. Биринчи

ёндашувга биноан ҳар қандай тил соҳиби бошқа тилдаги маданий матнни ўзининг маҳаллий маданияти призмаси орқали идрок қилади. Тилшунослик фанида лақуналарнинг мавжудлиги лингвистик ва культурологик универсалияларнинг «ишлаш» механизми билан тушунтирилади. Маданият ва тилнинг универсал ҳисобланган баъзи бир ҳодисалари барча маҳаллий маданиятларда ифодаланмаган бўлишлари мумкин. Натижада айрим маданиятлар учун бундай феноменлар лақуналаштирилган бўлиб қолади.

Тилшуносликдаги иккинчи ёндашув доирасида лақуна тушунчаси у ёки бу маҳаллий маданиятга хос бўлган вербал ва новербал мулоқот жараёнида намоён бўлади. Гарчи нутқий лексик лақуналарнинг мавжудлиги маҳаллий маданиятларнинг ўзига хослигига боғлиқ бўлса-да, маданиятлар ўртасидаги лақуналарнинг ҳам мавжудлигини назарда тутиш лозим бўлади. Маданиятлар ўртасидаги лақуналарга турли халқларнинг ранг белгиларидаги бир-бирига тўғри келмаслик ҳолларини киритиш мумкин. Масалан, инглизларда бошқа европа халқлари сингари оқ ранг-яхшилиқ, қора ранг эса ёмонликни билдирса, қорақалпоқларда оқ ранг тантанаворликни, яхшилиқни ифодаласа, қора ранг эса салбий психологик ҳолатни, яъни хафагарчилик, ёмон кайфиятлиқни ифодалайди.

Миллий-маданий лақуналарга яна кинесик лақуналарни ҳам киритиш мумкин. Булар сирасига масалан, ҳар хил маданиятларнинг вакиллари томонидан қўлланиладиган имо-ишоралар қиради. Бир хил позалар, шунингдек эмоционал ҳолатнинг мимик «белгилари» маданиятларда турлича «ўқилади». Бундай турдаги лақуналарни аниқлаш мақсадга мувофиқ туюлади, чунки уларнинг мавжудлиги нафақат матннинг у ёки бу қисмини тушунмасликка, балки маданиятлараро муносабатда ноадекват муомалага ҳам олиб келиши мумкин.

Қорақалпоқ ва инглиз тиллари ҳамда маданиятлари ўртасидаги лақуналардан келиб чиқадики, лақуналарни нафақат ўзига хос реалияларнинг, балки у ёки бу тил ва маданият соҳибининг одатдаги тажрибасига зид келадиган ўзига хос жараёнларнинг ва ҳолатларнинг сигналлари ҳам деб тушуниш мумкин.

Маҳаллий маданиятларнинг тафовутлари, яъни ўзаро мос келмасликлари турлича бўлишлари мумкин. Бунга мисол қилиб тилда контрафратив ва контрастив лақуналарнинг мавжудлигини қайд қилиш мумкин. Контрафратив лақуналар кўпинча маданиятлараро лақуналардир. Маданиятлар ўртасидаги контрастив лақуналарга баъзи бир анъанавий ўхшатишлар мисол бўлиб хизмат қилишлари мумкин: *қаттиқ ишламоқ, молдек ишламоқни* қорақалпоқ маданиятида *Ешектей ислейди*, инглиз маданиятида – *отдек ишлайди, work one's tail off, work one's butt off*, дейишади, ориқ одам ҳақида инглиз тили соҳиби *гузурт чунидек ингичка, thin as a rake, thin as a bone* дейди, қорақалпоқ маданиятида бундай кишини кўпинча тараша билан солиштиришади (*шыбықтай арық*).

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари таҳлили шунинг учун ҳам мураккабки, ҳар бир маҳаллий маданиятга хос бўлган билимлар мажмуи ушбу маданият соҳибларининг руҳий хусусиятлари ва миллий характери

билан бевосита боғлиқдир. Аниқланган ижтимоий-маданий лакуналарнинг асосий қисми иккита тилни қиёслашда ёки эталон тил билан солиштириш давомида юзага келган тиллараро лакуналардир.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфиди лексик лакунарликнинг типлари тасниф қилинган бўлиб, унда қорақалпоқ ва инглиз халқларининг халқаро алоқалари, географик жойлашуви, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, аҳолисининг маданий қиёфаси, тарихидан келиб чиққан ҳолда лакуналар этнографик лакуналар, санъат ва маданиятга оид лакуналар, жуғрофий ва ижтимоий-сиёсий лакуналар, ономастик лакуналар, касб-фаолият ва таълим-тарбияга оид лакуналарга ажратилиб таҳлил қилинди.

Этнографик лакуналар турли маданиятлар турмуш тарзининг ўзига хослигидан далолат беради ҳамда уй шароити предметларининг характеристикаси бўлиб хизмат қилади. Этнографик лакуналарга қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги уй-жой, кийим-кечак, озиқ-овқат ва ичимликлар мавзуларида қўлланилган лакуналар киритилган. Қорақалпоқ тилида уй-жой тушунчаси *жер жай, қўп қаватли уйда жойлашган хонадон* сингари сўзлар билан ассоциация бўлиб, инглиз тилида улар одатда *courtyard of a house, house with a walled courtyard<sup>11</sup>, household, house, home* сингари сўзлар билан ифодаланади.

Қорақалпоқ лингвомаданий маконида «уй» тушунчаси серкирра ҳисобланади ва кўп ҳолатларда инглиз тилидаги уй-жойни англатувчи бирликлар билан мос келмаслиги мумкин. Масалан, қорақалпоқ хонадонларининг ичкари ва ташқари қисмларга бўлиниши, меҳмонларни уйнинг турига ўтиришни таклиф қилиниши ёки бир нечта меҳмонлар мавжуд бўлган ҳолатда уларнинг ёшига, мақомига, жамиятда эгаллаган ўрнига кўра хонанинг белгиланган қисмларига жойлашиши, шуниингдек, хонадон эгаларининг меҳмонларни уй остонасига қадар кузатиб қўйиши сингари нозик маданий хусусиятлар инглиззабон ўқувчи учун тушунмовчилик туғдириши табиий ҳолдир.

Кийим-кечак тушунчасини ифодаловчи сўзлар, халқнинг миллий-маданий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ ва миллий буюқдорликни ёрқин намоён қилувчи лексика тарқибига қиради.

Қорақалпоқ лингвомаданий муҳитида инглиз тилида лакуна ҳисобланган ушбу лексикага кирувчи куплаб сўзлар мавжуддир. Албатта, бу борада етакчи сўзлар сифатида *ақ кўйлек, кўк кўйлек, киймешек, эребек, боз кўйлек, борлат, шөгирме, тақья, сўкеле, бешпент, шапан* сингари кийим турлари эътироф этилади ва лакуналарнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради.

Инглиз лингвомаданий муҳитида қорақалпоқлар учун лакуна ҳисобланган сўзлар *Kilt, Mockintochi, Beefeaters, Bowler hat* в.б. Озиқ овқат ва ичимликларга оид лакуналарнинг инглиз маданияти учун булган лексик лакуналари *шелтек, ҳалва, нишалла, бауырсақ, такан*.

Қорақалпоқ халқи учун қуйидагилар лексик лакуналар ҳисобланади.

<sup>11</sup> Cambridge International Dictionary of English. – New York: Cambridge University Press, 1995.

*Coffee mate, coleslaw, soup mix, steak, kidney pie, eggnog, grinder*<sup>12</sup>.

Санъат ва маданиятга оид лакуналарга қушиқ-ашула, ракс, чолғу асбоблари, урф-одат, анъана, маросим, байрам, таквим, улчов ва пул бирликлари ва уйинларни ифода этишга қаратилган лакуналар киритилиб тахлил қилинди. Қушиқ, ашула, ракс, санъатга оид лакуналарни келтириб ўтамиз. *Banjo, Qual-eating contest*, – бу инглиз маданиятида ким кўп миқдордаги бедана тухумларини ейиши мумкинлиги тўғрисидаги танлов ҳисобланади. *two-step, Jig, Ragtime*, булар ўзига хос ракс турлари ҳисобланишади. Инглизлар учун эса *бэдик, ҳәужар, айтыс, дуутар, жоқлау, беташар, шилле, шынқобыз, қобыз* кабилар лакуна ҳисобланади.

Маълумки, қорақалпоқлар ҳам бошқа кўпгина халқлар сингари ҳозиргидек улчов асбобларига эга бўлмаган. Бунда киши танаси – буйи (*бел, көкирек, мойын*), оёғи (*табан, тобық, дize, қадем*), қули (*тирсек, қулаш, қысым, қарыс, улыўма бармақлар*) ва бошқа аъзолари дастлабки улчов воситалари сифатида кенг қўлланган. Инглиззабон халқлар, яъни Англия ва АҚШ давлатлари ҳамон эскидан қолган ноқулай ўлчов бирликлари *дюйм, фут, ярд*лардан фойдаланади.

Қорақалпоқ тили лексик хазинасида муайян даражада қўлланишда давом этаётган ёки бутун истеъмолдан бутунлай чиқиб кетган қадимги туркий тилга тааллуқли ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид, маъмурий-худудий бошқарув ва ҳокимият органларига хос сўзлар лексик бирликлар таркибида ҳам сезиларли ўринни эгаллаганлиги билан характерлидир. *State, Government, Department, Canton, Cancler, Sheriff, Mayor*(мэр), *Жоқары Кеңес, ҳақим, белгер беги*.

Ономастик лакуналарга антропонимик ва топонимик лакуналар. Антропонимик лакуналар булар одам исмлари, фамилиялари, лақаблари шунингдек одамларнинг ўтмишдаги ҳаёти, уларнинг ижтимоий тузилиши моддий ва маданий ҳаёт ҳодисаларини ҳам акс эттириши мумкин. Масалан: *Тоқсанбай, Жетписбай, Орақбай, Сексенбай, Жүзимгүл, Сыргагүл, Балтабай, Мылтықбай*, инсонларга айтиладиган лақаблар билан мурожаат қилиш *Жолымбет қотыр, Изимбет соқыр, Байымбет ләүзе, Алпысбай пәкене, Өмирбек лаққы*. Шунингдек тахаллусларнинг кўйилиши *Бердақ шоир Бердимурат Фарғабай уғлининг шоирлик тахаллуси. Зийўар* Эжинияз Қосыбай уғлининг тахаллуси.

Жуғрофий-топонимик лакуналар *Big ben, Karmen, Manchester, Glasgow, The city of prince Albert, Oceania, US*

Инглизлар учун лакуна бўлган топонимлар *Мўйнақ, Шуманай, Қунгирот, Хожели, Бузатау, Елликқала, Тахиаташ, Қанлықул, Гүлдирсин қала, Қой қырылган қала, Шылпық, Боқ көл, Түйе мойын, Устирт*.

Касб ва таълим-тарбияга оид лакуналарга касб фаолияти билан боғлиқ бўлган лакуналар, таълим-тарбияга оид лакуналар. мурожаат шаклларида оид лакуналарни ўз ичига олади *to abseil, adventurer, to afforest, amanuensis, to angle, to annotate, appointee*. Инглизлар учун лакуна ҳисобланган қорақалпоқ тилидаги касбга оид лексик бирликлар: *тағашы, жырышы, териши, шопан*,

<sup>12</sup> Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Дубна: Феникс. 2005. – С. 135-141.

темириши.

Таълим тарбияга оид лақуналар. *Athletic fee* – спорт бадали (университетнинг спортзалидан ва бошқа спорт иншоотларидан фойдаланганлиги учун талаба томонидан киритиладиган тўлов). *Laboratory fee* – лабораториядан фойдаланганлик учун тўлов. Мактабларнинг типлари лақуналари қизиқиш касб этади. *Public school* – имтиёзли хусусий ўрта мактаб (ёпиқ, кўпинча ўғил болалар учун мактаб-интернат; бундай мактабларда, асосан, давлатманд оилаларнинг болалари ўқийдилар, чунки уларда тўлов юқори; 13 ёшдаги болалар қабул қилинади; мактаб университетга киришга тайёрлайди). *Nonsectarian school* – диний мансублигидан қатъий назар ўқувчиларни қабул қилувчи мактаб. *Maintained school* – маблағ билан таъминланувчи мактаб (халқ таълими маҳаллий органларининг маблағлари ҳисобига тутиб турилади).

Мурожаат жараёнида қўлланиладиган инглизлар учун лақуна ҳисобланувчи лексик бирликлар: *Яшуллы, жасулкен, ақсақал, отеағасы, жигитағасы, бэйбише, тоқал, бийкеш* ва бошқалар. Қорақалпоқлар учун лақуна сўзлар: *Sir, Mr, Mrs, Miss, your honour, dear, honey, dearie*.

Лақуналар қорақалпоқ ва инглиз маданиятлари учун бир хил бўлган мазмунларни бериш мақсадида ўзига хос, таржима қилинмайдиган сўз бирикмаларининг, ибораларнинг мавжудлиги, бироқ бу маъноларни бериш усулларидаги мос келмаслик маданиятларнинг кескин тафовути билан эмас, балки тил одати билан изоҳланади.

Таъкидлаймизки, лақуналар ҳам ҳар доим «жуфтликларда» аниқланади: агар битта тилда лақуналар бўлса, у ҳолда чоғиштирилаётган тилда эквивалентсиз бирлик бўлади ва аксинча.

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ ва инглиз тилларида фразеологик лақунарлик**» деб номланган учинчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, унда қорақалпоқ тили фразеологик тизими билан инглиз тилининг фразеологик тизими ўртасида лақуналарни келтириб чиқарувчи лақунарликнинг мавжудлиги ҳозирги тилшуносликнинг ҳар бир алоҳида олинган тил билан бизни ўраб турган олам бирлигининг ўзига хос расмийлаштирилгани, уни ҳосил қилишнинг усуллари ҳақидаги нуқтаи назарни яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу бобда инсонларнинг эмоционал ҳолатини ифодаловчи фразеологик лақуналар қуйидаги фразео-семантик гуруҳларга ажратилди.

Инглизбабонлар учун лақуна ҳисобланган қорақалпоқ тили эмоционал ва характериологик фразеологизмларини келтирамиз, чунки инсон ҳис-ҳаяжонини, яъни эмоционалликни ифодаловчи фразеологик бирликларда жуда кўп лақунарлик ҳодисаси намоён бўлиши кузатилади.

Мазкур ишда қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги фразеологик бирликлар инсонлардаги турли ҳил ҳиссий жараёнлар, ҳиссиётлар, яъни эмоцияларни англатиш типларига қараб тасниф қилинди. Фразеологизмларда ифодаланган эмоциялар бевосита ҳиссиётларни ифодалаш даражасида эмас, балки ундан келиб чиқадиган мантиқий фикрларни ташкил қилади.

Баъзи ҳолларда, чоғиштирилаётган тилларда шундай фразеологизмлар

мавжудлиги маълум бўлдики, айнан битта фразеологик бирлик икки ҳил маънони, яъни қўрқинч ва ажабланиш, *set smb's teeth on edge* нафратланиш ёки жирканиш каби эмоцияларни англатади *with the tongue in one's cheek*.

Одатда эмоционал фразеологизм деганда инсоннинг маълум эмоционал ҳолатини ёки сўзловчининг муносабатини ифодаловчи фразеологик бирлик тушунилади. Асосий эмоцияларга кўпинча қизиқишни, қувончни, завқшавқни, умид-ишончни, самимийликни, ростгўйликни, виждонлиликни, севги-мухаббатни, ажабланишни, ғамни, азоб-уқубатни, огир рухий кайфиятни, газабни, жирканишни, нафратланишни, қўрқинчни, уятни ва шу каби ҳис-туйғуларни ифодаловчи лексик ва фразеологик бирликлар киради.

Мазкур ишда биз ялпи танлаш методи асосида нафақат эмоционал ҳолатни ва муносабатни акс эттирувчи, балки қандайдир предметнинг ёки ҳодисанинг эмоционал баҳосини ифодаловчи фразеологик бирликларни танлаб олдик. Инсоннинг эмоционал характеристикаларини турли тилларда, мисол учун, қорақалпоқ ва инглиз тилларида қандайдир мақсадларга эришиш учун ўзини саҳийликка соладиган пасткаш ва қаҳри қаттиқ одамни характерлашга универсал иборалар ҳам мавжуд.

Инглиз тилидаги хитобни ифодаловчи *holy cow* турғун бирикмасининг қорқалпоқ тили фразеологик заҳирасида мавжуд эмаслигини ушбу ибора инглиз тилига Ҳиндистондан кириб келганлиги ва бу мамлакатда ушбу ҳайвон ҳар доим муқаддас ҳисобланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Қорақалпоқ тилига таржима қилинганда бундай эмоционал хитоб “*Ўай қудайым-ай ...*” типигади аналоглар билан алмаштирилади.

